

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2023-yil 5-oktabr, payshanba

№ 41 (9257)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru @Qishloqhayoti_gazetasi



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚЎБИЗ ЮНЕСКО РЎЙХАТИГА КИРИТИЛАДИ

Нукусда ЮНЕСКО томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда номоддий маданий меросни инвентаризация қилиш ва ҳужжатлаштириш, шу жумладан, қўбиз ва жиров мусиқий меросини асраб-авайлашга қаратилган ўқув дастури ташкил этилди.

Тадбирлар “Қўбиз анъанавий мусиқа асбобини ишлаб чиқаришни ва унинг жиров ижросидаги анъаналарини шошилчинч ҳимоя қилиш” лойиҳаси доирасида ўтказилди. Ушбу лойиҳа ЮНЕСКОнинг 2003 йилдаги Конвенциясининг номоддий маданий меросни инвентаризация қилиш ва ҳужжатлаштириш, шу жумладан, қўбиз ва жиров асбобини асраб-авайлаш орқали Қорақалпоғистоннинг ушбу меросини муҳофаза қилиш, уларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, асраб-авайлаш муҳимлиги тўғрисида хабардорликни оширишдан иборат.

Қўбиз жировларнинг мусиқий чолғу асбоби ҳисобланади. Унинг яратилиши жуда қадим замонларга бориб тақалади. Жировлар ботирлик дostonларини ушбу чолғу асбобидан маромига етказиб куйлаб келган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда қорақалпоқ миллий чолғу асбоби қўбизни ЮНЕСКО рўйхатига киритиш ишлари олиб борилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқорғи Кенгеси раиси Аманбай Оринбаев ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Сара Ношади билан учрашувида бир неча асрилик миллий маданиятнинг ажойиб дурдоналарини асраб-авайлаш масалалари муҳокама этилиб, мазкур чолғу асбобини рўйхатга киритиш ишларини жадаллаштириш бўйича келишиб олинди.

ЮНЕСКО қўбиз ҳунармандчилиги ва жиров ижрочилиги санъатининг келажакни сақлаб қолиш чораларини кўриш борасида қатор тад-

бирларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Ушбу чора-тадбирлар миллий салоҳиятни ошириш, ушбу номоддий мероснинг таркибий қисмларини аниқлаш ва ўтказиш, маҳаллий ҳамжамият ва манфаатдор томонлар ўртасида хабардорликни ошириш ҳамда ушбу маданий меросни келажак авлодларга етказишга кўмаклаштириш ўз ичига олади.

Ўқув дастури якунида иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан сертификатлар тақдим қилинди. Ушбу маданий анъаналарни ҳужжатлаштириш ва сақлашга ҳисса қўшишдан иборат. ЮНЕСКО Ўзбекистонда номоддий маданий меросни асраб-авайлаш ва унинг маҳаллий, миллий ва халқаро миқёсдаги аҳамияти тўғрисида хабардорликни оширишга катта ҳисса қўшмоқда. Ташкилот барча тегишли манфаатдор томонларнинг салоҳиятини мустақамлаш учун халқаро, минтақавий ва миллий шериклар билан яқиндан ишлашни давом эттиради.

Ш.Хамраев мулоқот чоғида Йозеф Рожа жанобларини Венгриянинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси лавозимига тайинлангани билан қутлади ва мамлакатимиздаги янги дипломатик миссияси давомида муваффақиятлар тилади.

Ўз навбатида Йозеф Рожа самимий қабул учун миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлига элчи сифатида

Довуд АБИУЛЛАЕВ, ЎЗА МУХБИРИ.

ЖИЗЗАХДА “ЯНГИ ЎЗБЕКISTON” МАССИВИ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида Жиззах вилоятининг барча шаҳар ва туманларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

2022 йил 17 апрелда ЎЗА орқали Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани “Оқтош ота” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қурилиши режалаштирилган “Янги Ўзбекистон” массивига тамал тоши қўйилгани ҳақида хабар берган эдик.

Ушбу “Янги Ўзбекистон” массиви кечагина қир-адирлардан иборат яйдоқ ҳудуд ҳувиллаб ётган дашт эди. Бу жойда айни пайтда кичик шаҳарча қад ростламоқда. Барпо этилаётган биринчи 16 қаватли кўп хонали уй фойдаланишга топширишга тайёр.

Қурилиб битказилган мазкур 16 қаватли турар жойнинг ҳар бир қаватидаги 5 тадан икки ва уч хонали 80 оилага мўлжалланган янги хонадонларнинг қалитлари бугун-эрта “Янги Ўзбекистон” массивига кўчиб келадиган фуқароларга, яъни ўз эгаларига топширилади.

Ҳар бир хонада пардозлаш ишлари дид билан амалга оширилган, барча ком-



муникация тармоқлари тўлиқ ўрнатилган. Иншоотлар янги инновацион технология, энерготехжамкор материаллардан бунёд этилмоқда. Объектларнинг ташқи деворига қиш мавсумида совуқни, ёзда жазирама иссиқни ўтказмайдиган, Жиззахда ишлаб чиқарилаётган, энергиятежамкор базальт плиталари ўрнатилмоқда.

– “Янги Ўзбекистон” массивида буй ростлаган 16 қаватли бинолардан бирининг зилзилага бардошлилиги мамлака-



тимиз пойтахтида фаолият юритаётган Турин политехника институти Тошкент филиали малакали мутахассислари томонидан махсус сунъий зилзила қила оладиган вибродинамик ускунаси билан синая кўрилди, – дейди Жиззах вилоят Худудий қурилиш назорат инспекцияси инспектори Акбар Абдураззоқов. – Ушбу синовга бино 100 фоиз бардош берди. Фуқароларимиз “Янги Ўзбекистон” массивида қурилаётган уйлarning энг баланд 16-қаватида ҳам ҳеч қандай хавотирсиз бемалол яшаш мумкин. Бунга кафолат берамиз.

Шу бугунги кунда массивда юздан ортиқ турли қурилиш техникаси, мингдан ортиқ республикамизнинг турли вилоятларидан келган ва маҳаллий

қурувчи-муҳандислар ғайрат билан меҳнат қилмоқда. 1 та 16 қаватли уй фойдаланишга топширишга тайёр қилиб қўйилган бўлса, 3 та 16 қаватли, 17 та 9 қаватли уй-жой ҳам қад кўтармоқда.

– Айни пайтда “Янги Ўзбекистон” массивидаги бунёдкорлик ишларида республикамизнинг турли ҳудудларидан келган 24 та қурилиш компанияси ва масъулияти чекланган жамияти қурувчилари астойдил меҳнат қилаяпти, – дейди Жиззах вилояти ҳокимининг қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Ҳамид Ҳасанов. – Режага кўра, массивда жами 105 та уй-жой қурилиши белгиланган.

(Давоми 2-саҳифада)



СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ ВЕНГРИЯ ЭЛЧИСИ БИЛАН УЧРАШДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Шавкат Хамраев вазирликда Венгриянинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси Йозеф Рожа билан учрашди.

Ш.Хамраев мулоқот чоғида Йозеф Рожа жанобларини Венгриянинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси лавозимига тайинлангани билан қутлади ва мамлакатимиздаги янги дипломатик мис-

сияси давомида муваффақиятлар тилади. Ўз навбатида Йозеф Рожа самимий қабул учун миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлига элчи сифатида

ишонч ёрлигини топширганидан сўнг бу Ўзбекистон ҳукумати аъзолари билан ўтказилаётган биринчи учрашуви эканлигини таъкидлади. Сув хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати

СУРХОНДАРЁЛИК ПАХТАҚОРЛАР ЗАҒАРИ

Сурхон заминининг миришкор пахтақорлари мамлакатимизда биринчи бўлиб, жорий йилги пахта топшириш шартномавий режасини баҳарди.



Қабул пунктларига 268 минг тоннадан ортиқ хомашё топширилди. Шу муносабат билан Термиз туманидаги “Ал-Ҳаким Ат-Термизий” мажмуасида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Сурхондарё

Олтинсой, Термиз, Қизирик туманлари йиллик шартномавий режаларини биринчилардан бўлиб, биринчи теримдаёқ баҳарлашгани гоёта қувонарлидир. Вилоятимизда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигини



вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов, пахта режасини баҳарлашга муносиб улуш қўшган кластер ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, мутасаддилар, механизатор, сувчи ва теримчиларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

– Бу ютуққа ўз-ўзидан эришганимиз йўқ, албатта, – деди вилоят ҳокими. – Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, ерга, деҳқончиликка муносабатнинг тубдан ўзгариб, соҳанинг сердаромад тармоққа айлангани ютуқлар омили бўлди. Айниқса,

ҳам модернизация қилиш борасида энг муҳим вазифалар белгиланган. Уларнинг изчил амалга оширилаётганлиги ўзининг амалий самараларини кўрсата бошлади. Хусусан, юқори навли чигит уруғи, турли минерал ўғитлар, биомасхулотларнинг ўз вақтида етказиб берилганлиги боис, мамлакатда биринчи бўлиб зафар маррасига етиб келдик.

Айни дамларда ҳам вилоятда йиғим-терим уюшқоқлик билан давом этмоқда.

Рустам ДАВЛАТОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИ: ИШОНЧ МУСТАҚАМЛАНМОҚДА



“Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир”, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши керак”...

Президент Шавкат Мирзиёевнинг элими қалбидан чуқур жой олган бу сўзлари бугун мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва ислохотларни ҳаракат-


лантирувчи қудратли кучга, таъбир жоиз бўлса, уларнинг гоёвий ўзагига айланди. Халқимизнинг ҳаётий талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, одамларимизни рози қилиш йўлидаги залворли ишлар айнан

ана шундай эзгу ва ҳаётбахш гоёлар асосида олиб борилиб, тобора янги маъно ва мазмун билан бойиб бормоқда. Бундай тарихий ўзгаришлар силсиласида халқ билан мулоқот қилиш, муносабатлар билан

ишлаш бўйича тамомила янги тизимга асос солинган, халқаро миқёсда ноёб тузилма сифатида кенг эътироф этилаётган қувончлидир.

Халқ қабулхоналари халқимизнинг неча йиллик орзу-армонларини ушалтириш мақсадида ташкил этилгани боис ҳам фуқароларимиз ҳаётининг, мамлакатимизда кечаётган янгиланишлар жараёнининг тез фурсатда ўзининг муносиб ўрнини топди. (Давоми 2-саҳифада)

“Бир неча бор кўчатлар сўлиб, нобуд бўлганига қарамай, тўхтаб қолмадим ва бугунги натижага эришдик”



ҚИР-АДИРЛАР БАҒРИДАГИ ҲУЗУМЗОР

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани асосан, ясситоғлик, текислик, адир ва қирлардан иборат бўлиб, иқлими континентал, йиллик ёғин миқдори 275 миллиметрни ташкил этади. Аҳолининг кўпчилиги текислик, адир ва қир ҳудудларида истиқомат қилади. Туман хўжалиги асосан, чорвачилик ва деҳқончиликка ихтисослашган. Аҳолининг жуда кам қисми боғдорчилик билан шуғулланади. Бунга асосий сабаблардан бири сув етишмаслиги билан боғлиқ муаммонинг мавжудлигидир. Бироқ, туманда шундай меҳнаткаш инсонлар борки, улар бу каби ҳолатлар асосий мақсадга эришишда тўсиқ бўлмаслигига ишонишади.

ҲУЗУМЗОР

Қишлоқда бир туп ниҳол етиштириш осон иш эмас. Лекин, нурдумлик Элдор ака Мусаев уйининг ёнидаги бўш ётган ердан унумли фойдаланиб, каттагина узумзор ташкил қилган. Бугунги кунда у бунинг ортидан яхшигина даромад толиб, рўзгорининг камини тўлдирмоқда.

Элдор ака дастлаб бу қарорга келиш учун жуда кўп ўйлангани ва ичидаги кўркувни қандай енггани ҳақида сўзлаб берди.

– Аввал кўрқардим. Қандай бўлар экан? Бошлайётган ишларим ўз натижасини берармикан? Бундай иқлимли шароитда узум етиштиришни имкони борми, деган саволларни ўзимга кўп-кўп берганман. Аллоҳга шукур, ҳозирги кунда барчаси мен ўйлаганимдан-да ижобий натижа берди. Икки йил ичида узумимизнинг харидори ортиди, кўпчилик қишлоқдошларимиз мактаб-мактаб харид қилишяпти, дуо қилишяпти. Айни вақтда узумчиликнинг ортидан топаётган даромадим рўзгорнинг кам-кўстларини ёпишга бемалол етязпти. Инсон мақсади йўлида ҳар қандай қийинчиликларга тайёр туриши керак. Мисол учун, бу йилги қиш жуда ҳам қаттиқ келди. Кўпчилик одамларнинг тоқларини совуқ уриб кетди. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон ҳудудидан узум ўтган йилгига қараганда кам етиштирилди. Нарх-наво ҳам шунга яраша бўлмоқда. Бу ҳолатлардан шундай хулосага келиш мумкин, яъни, инсон ҳар қандай қийинчиликларга доим тайёр туриши лозим.

Қир ёнбағрида ташкил этилган узумзор ёнидан ўтайдиган инсонларнинг кўзида ўзгача ҳайратни илғаш қийин эмас. Сабаби, атрофи қир-адирлар билан ўралган дашт ҳудудидан шундай бог барпо этиш учун кўп машаққатларга тайёр туриш лозим. Элдор ака узум етиштиришнинг қийинчиликлари ҳақида гапирар экан, унинг меҳнати жуда огир эканини таъкидлади.

– Бир неча бор кўчатлар сўлиб, нобуд бўлганига қарамай, тўхтаб қолмадим ва бугунги натижага эришдик. Ҳар қандай ишни бажаришдаги биргина эътиборсизлик сизни мақсадларингиздан анча узоклаштириб юбориши мумкин. Шу сабабли, тоқ етиштириш ўта нозик ва эҳтиёткорликни талаб қилгани боис, биринчи навбатда бу соҳадаги керакли билимларни ўзлаштиришга муваффақ бўлдингиз.

Қаҳрамонимиз уйининг ёнидан артезиан қудуқ қаздиради ва унинг суви тўплаш мақсадида яна бир махсус жойни ҳозирлайди. Шундан кейингина йиғилган сув узумзорни сугориш учун фойдаланилади.



Элдор Мусаев аслида туман марказидаги ташкилотлардан бирида фаолият юритади. У бугунги кунда ишдан чарчаган вақтлари узумзорини айлануб, богдан ўзгача қувват олади. Элдор ака барпо этган мўъжаз бог кўп йиллар давомида, нафақат қишлоқ одамларини балки, бошқа ҳудуд аҳолисини ҳам узум билан таъминлаши, авлодларга эса мерос сифатида қолиши табиий.

Жамшидбек АМИРОВ

Ҳар қандай ўзбек оиласи ўзи яшайдиган уй олдига ҳеч бўлмаганда, бир туп кўчат экиб, унинг соясида соялашни, бир бор мевасидан тотиб кўриши яхши кўради. Хонадонининг атрофига гулларнинг турфа хилларини ўтқазиб, унинг бўйидан сармаст бўлишни ёқтиради. Ариқларда сув шаркираб оқиб турган ҳудуд одамларида бир донда кўчатни воёга етказишда унчалик қийинчилик бўлмаслиги мумкин. Аммо, атрофи қир-адирлардан иборат бўлган, фақатгина ер ости сувларидан фойдаланиш имконига эга бўлган инсонлар битта ниҳолни нест-нобуд этмай катта қилиши яхшигина қийинчиликларни талаб этади. Биттагина кўчатни бир амаллаб ўстириб оларсиз, бироқ каттагина бог ташкил қилиш азобини уни барпо этган богдондан бошқа ҳеч ким ҳис қилолмайди.

Нуробод туманида жойлашган Нурдум қишлоғи аҳолисининг кўпчилиги ичимлик сувини сотиб олади. Айримлар эса истеъмолга яроқсиз бўлган ер ости суви, яъни, қудуқлардаги сувдан истеъмол қилишади.



Ватан
Ватан, сени онажон дедим,
Онамдайин бошим силадинг.
Йўлларимча бахтоин поёндоз,
Тўшаб унга мудом йўлладиң.
Сиздираман кичик қалбимга,
Сенинғ узоқ сарҳадларинғни.
Хаёлим-ла ўраб оламан,
Гулга тўлган гулбоғларинғни.
Мен шунчалар сени севаман,
Онам айтган аллаларидай.
Яноқлари доларанғ бўлиб,
Қулча тутган паллаларидай.
Ватан, меҳрим сенга беқийёс,
Сен-ла олсам нафасим ҳар он.
Дунёда энг бахтиёр одам,
Бўлар эдим СЕН деб берсам эксон.
Сени севадим шунчалар нега?
Сабабини айтмайин унда.
Тушлганда илк нафас олдим,
Энг сўнгисин бераман шунда.
Бу севаимни қийёслай олмай,
Минг йиллардан бери ҳалакман.
Кўз қароғим каби асрайман,
Қилавергум шундай тилакман.
Ватан. Сени севадим шунчалар...
Мушарраф ХҲҲАБЕКОВА

ГАЗЕТАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБ ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ
Кимлардир XXI аср интернет асри, газеталар даври пойонига етди, деб оламга жар солиб юрган паллада, буюк адибимиз Абдулла Қодирийнинг уй-музейида ижодкор Алишер Тоировнинг “Газета ўқиш учун чоп этилади” номли китобининг тақдими бўлиб ўтди.
Бу албатта, газеталар чоп этилишининг кераги йўқ, деб ақллилик қилаётган бир гуруҳ оломонга қарата жавоб бўлди, деб ўйлаймиз ва ушбу тақдимот бўлиб ўтганлиги билан китоб муаллифини “Қишлоқ ҳаёти” газетаси тахририяти жамоаси номидан қўтлаймиз. Газеталар тақдирига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз борлиги биз, журналистларни келажакка умид билан боқишга ундайди.
Ушбу газеталарга бағишланган китоб тақдимида таниқли шоир Бобур Бобомурод, Абдулла Қодирий бобомизнинг невараси Хондамир Қодирий, меҳнат фахрийси Раҳим Одилов, Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзолари Носирхон ва Маҳмудхон Тоировлар, мактаб ўқувчилари, ота-оналар, газета тахририятларидан ташриф буюрган журналистлар иштирок этди.
Тадбир давомида сўзга чиққан нокичлар ёш авлодга китоб ўқиш жуда муҳимлигини тушунтиришди. Жумладан, Китобга сўз боши ёзган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Бобур Бобомурод Алишер Тоировнинг китобига тўхталиб, шундай деди: “Китоб муаллифига қойил, мен кўздан қочирган нарсалар тўғрисида фикрларини баён этибди. Мен ушбу китобни ўқиб, болалигимни ёдга олдим. Олти фарзанд эдик. Беш ўғил, каттаси мен эдим. Ота-онамиз нимага қизиқиш билдирсак, ўша машғулот билан шуғуланишимизга шароит яратиб беришарди. Мен китоб ўқишга қизиқсам, қўлимга китоб тутқазишарди, укам спортга қизиқса уни спорт тўғрақларига юборишарди.
Яъни, биз, фарзандларнинг бўш вақти қолишига йўл қўйишмаган. Донишманд халқимизда бир гап бор “Боланинг бўш вақти – душманининг иш вақти”. Душман ким? Душман бу дангасалик, ялқовлик. Ўқийман, деб қўлингизга китоб олганингизда ичингиздаги ушбу ёв “нима қилсан китоб ўқиб, китобдан уйку афзал” деб йўлдан оздиради. Шунинг учун ҳам, боланинг ҳеч вақт бўш вақти бўлмаслиги керак. Бу мақсад йўлида албатта, китоблар катта кўмакчидир. Ёдимда, менга тарбия берган онам раҳматли ерга тушиб ётган бир парча газетани ҳам олиб оқорига қўйиб кўяр эдилар. Мен ҳайрон бўлсам, “ўғлим, ҳарфинг ҳам уволи бор” дердилар. Бизку сўзларни увол қиламиз, онажоним эса ҳарфларни ҳам эъзолларди. Уйимизда “Муштум”, “Тулистон” журналлари, турли номдаги газеталар бўларди. Онам раҳматлидан мерос бўлиб қолган бойлик ҳам китоб эди. Абдулла Қодирийнинг китоби. Бугун тақдими ўтказилаётган китоб ҳам сизларнинг бўш вақтингизнинг ўрнини тўлдириб, ақлингизга ақл қўишига ишонанам. Ушбу китоб чоп этилганлиги билан муаллифини табриқлайман ва ижодига омад тилайман”.
Китоб тақдими якунида ташриф буюрган меҳмонларга муаллиф томонидан “Газета – ўқиш учун чоп этилади” китоби тўхфа қилинди. Мухтасар қилиб ёзсақ, китоб мутолааси, журналхонлик, газетхонликни одамзод ҳаётидан айро қилиш имконсизлигини ушбу китоб тақдими яна бир бора исботлади.
Ўз муҳбиримиз

ЭЪЛОН
МАХАМ - CHIRCHIQ
AMMONIY SULFAT
Oʻsish qobiliyatini oshiradi
N azot
S Oʻtingugʻurl
Maхsulot sertifikatlangan
№ UZ.SMT.01.080.65533977
GOST 9097-82
Манзил: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Тошкент кўчаси 2-уй.
Тел.: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08.
Факс: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.
Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93,
95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоиси келишилган нарҳда.
ISSN 2010-7021
Бошига топириш вақти: 21.00
Бошига топириди: 21.10